



БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА РЕФЛЕКСИВ КОМПЕТЕНТЛИК КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Эшпўлатова Азиза Алишеровна

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими,
таянч докторанти

Фалсафага оид илмий тадқиқотларда рефлексия – индивиднинг ўзини ўзи кузатиши, ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва ҳиссиётларини таҳлил қилиши, онгини ўз ички ҳолатини англашга йўналтирилиши, бошқа индивидлар билан кооперация муносабатининг тури ҳисобланган (**Щедровицкий**) Рефлексив кўникмаларнинг юқори даражада ўзлаштирилиши шахс нима ҳақида фикр юритиши, фаолиятини қандай амалга ошираётгани ва ривожланиш учун қайси йўналишда ҳаракат қилиши кераклигини тушунишига шароит яратиб, ўз хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиши билан бирга, вазиятни бошқариши ва уни оптималлаштириши учун фаолият воситаларини ўзгартиришига ёрдам беради (**Ю.Н.Крайнова**, 3-стр).

Маълумки, психологияга оид илмий ва илмий-услубий адабиётларда рефлексия когнитив, генетик, шахсиятли ва коммуникатив жиҳатларда ўрганилган. Хусусан, замонавий психологик луғатда рефлексиянинг ўзини ўзи назорат қилиш ва бошқариш жараёни билан боғлиқлиги таъкидланган: «Психик ўзини ўзи бошқариш – бу тизим фаоллигини бошқариш даражасининг бири бўлиб, борлиқни акс эттириш ва моделлаштириш, жумладан, рефлексия воситаларини қўллашда намоён бўлади».

Амалий психологиядан луғатда “Рефлексия” тушунчасига “шахсга ўз қадриятлари ва муносабатларини қайта қуриш ва ўзгартириш учун янги асослар топиш имконини бериб, нафақат ўзи-ўзини англашни, балки бошқаларни тушуниш ва баҳолаш жараёнларини ҳам ўз ичига олади. У инсон онгини, қадриятлари ва фикрларини бошқа шахслар, гуруҳлар, жамият ва хатто умуминсоний қадриятлар билан таққослашни таъминлайди. Кундалик ҳаётда ижтимоий рефлексия инсонга қандайдир воқеа ёки ҳодисани бошидан



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

ўтказиш, уни "ички дунёси" орқали ўтказиб бериш имконини беради", - деб таъриф берилган.

Рефлексия барча психик функцияларни интеграциялаш механизми бўлиб, касбий фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бунда касбий фаолиятдаги ўзгаришлар рефлексиядаги ўзгаришларга олиб келади ва аксинча (**Бехоева А.А.**, 12-бет)

Рефлексия психик жараён сифатида интеграл психик хусусият, рухий ҳолат, қобилият бўлиб, унинг моҳияти ва ўзига хослиги – бир вақтнинг ўзида жараён, хусусият ва ҳолат сифатида намоён бўлишидир. Айнан шу модусларнинг синтези рефлексиянинг сифат кўрсаткичини ташкил этиши мумкин (**Н.В.Павлюченкова**) бўлиб, инсондан ўзи ва бошқаларга нисбатан шахсий ва интеллектуал ўсишни талаб қиладиган англаш жараёни ҳамда ўзаро муносабатлар жараёнида мавжуд тажрибага қараганда янада мураккаброқ тажрибани тушунишга ва ўзлаштиришга имкон берадиган фикрлашнинг қатъий тизимли усулидир (**С.Rodgers**). Рефлексия инсонга ривожланган интеллектнинг муҳим таркибий қисми сифатида ўзининг ташқи олам билан предметли-ижтимоий муносабатларини таҳлил қилиш, мушоҳада юритиш ва қайта фикрлаш қобилиятидир (**Ш.Донаева**).

Рефлексив интроспекция ўз-ўзини назорат қилиш каби ўз-ўзини англаш (inspectiosui) қобилиятини амалга оширади. Бу қобилият шахс ҳаракатларининг ўзига, ўз ҳаётига, ўзини ўзи англашга, ўз-ўзини ҳурмат қилишга ва ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз онги ва хоҳиш-иродасини (**Sh.Gallagher et al.**)¹ ички дунёсига йўналтиришга, ўз ҳолатлари, кечинмалари, муносабатларини англаш ва уларни бошқаришга ҳамда шахсий қадриятларга таъсир ўтказишда (**И.Е.Девятова**)² намоён бўлади. “Айнан рефлексия шахс ўзини ўзи идентификациялаш эҳтиёжини қондиради, уни ҳаммадан кўпроқ ўзининг “Мен”и қизиқтиради” (**Н.Н.Ҳалилова**, 258-б)³.

Педагогикадан қомусий луғатда “рефлексия” – (лот. reflexio - ортга қайтиш, акс этиш) педагогик жараён субъектларининг ўз хатти-ҳаракатлари ва



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

уларнинг асосларини тушуниб етиши, англашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида бир шакли деб таъриф берилган. Педагогик рефлексия, асосан, ташкилий ва фаолият соҳаси билан боғлиқ (ўқитувчи нима қилган, ўз ҳаракатини қандай ташкил қилган, муҳит ва талабалар) бўлиб, педагог ўз касбий фаолиятини баҳолаши учун ташқи ҳаракатлар рефлексияси таклиф қилинади.

Педагогик рефлексия – бу қандайдир касбий муаммони фикран таҳлил қилиш жараёни бўлиб, мавжуд муаммонинг моҳиятини шахсий идрок қилиш ва ечимини топишнинг янги истиқболлари аниқлаш имконини беради [А.А.Бизязева, 62-бет].⁴ Педагогик рефлексиянинг асосий хусусиятлари ўз педагогик тажрибасини англаш, ўз педагогик фаолияти муваффақияти мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда замонавий таълимда рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилишдан иборат [И.В.Муштавинская, 26-бет]⁵. Бунда касбий-маданий **рефлексив кўникмалар** шахсни ҳар томонлама ривожлантириш воситаси (Trowler et al, 221-бет)⁶ бўлиб ўқитувчи ва талабаларнинг таълим жараёнида ўз ҳолатларини чуқурроқ англашлари ҳамда уни янада самарали бўлишини таъминлашнинг мураккаб ва мақсадли жараёнини амалга оширишларини англатади (А.Khanam)⁷.

Педагогик рефлексиянинг ўзига хос **маъноси** шахснинг ўз онгига (когнитив, мотивацион ва бошқа жиҳатларга) мурожаат қилиш амалиёти уни касбий компетентлигининг ортишига олиб келишида (М.Н.Кожевникова)⁸, **мазмуни** эса уни соҳалари (билиш, фаолият ва ҳис-туйғулар)нинг бирлиги сифатида тасаввур қилишда ўз аксини топади (И.Г.Бессонова)¹, (К.М.Lyngsnes, 2-бет. Рефлексияни фаоллик, мустақиллик, онглилик, англаш, ижодкорлик, самарадорлик каби **сифатлари** аниқлаган бўлиб, мазкур сифат кўрсаткичлари қамрови, чуқурлиги, таҳлилнинг пухталиги, хулосаларнинг умумлаштирилганлиги, англаш ва идрок этиш даражалари билан белгиланган (Т.В.Дмитриева 35-бет).



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

Рефлексиянинг муҳим хусусияти – унинг бой эмоционаллигидир. Рефлексиянинг фокусида ташқи кўринишнинг ўзгаришлар, бошқалар билан ўзини идрок қилиш, фаолиятдаги муваффақият ва қобилиятлар доимо кузатилиб, улар кучли кечинмаларни юзага келтириши натижасида ўқувчи-ёшларларнинг ўзи ҳам рефлексияланишидадир (**Н.Халилова**, 258-бет).

Педагогик рефлексия, унинг иштирокчилари томонидан ўзи-ўзини ривожлантириш жараёни ва натижаси сифатида, педагогик ҳамкорликнинг шакл ва мазмунига мос равишда мазкур фаолиятнинг қайта ташкил этилишини таъминлайдиган таркибий қисмларга ажратиш мумкин. **С.А.Севенюк бўйича:** 1) ўқитувчи томонидан – ўқувчилар фаолиятини, ўз педагогик фаолиятини ва педагогик ҳамкорликни рефлексия қилиш; 2) ўқувчи (ёки тарбияланувчи) томонидан – ўз фаолиятини, ўқитувчи фаолиятини ва педагогик ҳамкорликни рефлексия қилиш (**С.А.Севенюк**, 242-бет). Ушбу масалага **И.А.Охунов қуйидагича ёндашган:** 1) ўзи-ўзини ва бошқаларни тушуниш; 2) ўзи-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш; 3) ўзи-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиш (**И.А.Охунов**, 213-бет)

Педагогик рефлексиянинг педагогикада талқин этилган йўналишлари **Д.У.Халботаева** томонидан таклиф қилинган:

1. Рефлексия муайян ходисалар, шарт-шароитлар, жараёнларни таҳлилий жихатдан ўрганишни ифодалайди.
2. Рефлексиянинг объектлари шахснинг таълим-тарбиясига ва маданий-касбий ривожланишига муайян даражада таъсир кўрсатади.
3. Рефлексия жараёнлари бўлажак мутахассиснинг касбий-маданий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва коррекциялаш имконини беради.⁹

Рефлексивлик талабаларда ўзи-ўзини бошқаришнинг ривожланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади – эмоцияларни бошқаришда ўзига ишонч ҳиссини шакллантиради, эмпатиянинг намоён бўлишини оптималлаштириб хатти-ҳаракатларнинг адекват усуллари танлашларига ёрдам беради (**Н.А.Павлюченкова**). Шахсда ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

тажрибаси юзага кела бошлайди. Бу қадриятли фикрлаш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, у шахсни ташқи шарт-шароитларга мослашишига ва, энг муҳими, психиканинг бошқа имкониятларидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитларни ҳам яратиб беради. (Н.Ҳалилова, 259-б)

W.M.Roth педагогнинг **рефлексиядаги муаммосини** унинг ўзига ва талабаларига ҳамда ижтимоий ва педагогик воқеликка нисбатан муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолат сифатида қарайди. Бунда бўлажак ўқитувчининг **когнитсия** жараёнидаги марказий ролини эътиборга олиншининг муҳимлиги – самарасиз ёки камсамарали педагогик фаолият айтилиши вазиятда таълимга қизиқишни пасайтириш (йўқолиш) билан бирга ҳаётининг турли жиҳатларига узок муддат давомида салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди (**W.M.Roth**, 395-бет)

Педагогик рефлексия ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиши, баҳолаши ва зарур ҳолларда конструктив равишда ўзгартириш киритишига қаратилган бўлиб, педагогик вазифаларни ҳал этишида анъанавий фаолият рамкаларидан чиқиб ностандарт ва инновацион ёндашувлар воситасида шахсий ва касбий стереотипларни енгиб ўтиш (**А.А.Бехоева** 12-бет) имконини берадиган ҳамда ўз педагогик фаолиятини ва шахсий камолотини таъминлаш мақсадида намоён бўладиган фаол тадқиқотчилик позицияси (**И.Г.Бессонова** 9-бет)

Ўқитувчининг **идентивлиги** атамаси **N.Mokler** томонидан қўлланилган бўлиб, мутахассис ўқитувчи сифатида ўзини ҳам шахсий, ҳам профессионал жиҳатларини қандай қабул қилишини аниқлатади. Бўлажак ўқитувчиларда ўзлари ва ташқи муҳитдаги ўринлари ҳақида аниқ тасаввурни шаклландириш уларнинг педагогик фаолияти сифатига таъсир кўрсатиши **P.Suphasri** ва **S.Chinokul** томонидан **исботланган**.

Рефлексивлик интеллектуал фаолиятларни бошқариш, ўз фикри (мушоҳада қилиш) ривожланиш мантиғини кузатиш, қарама-қаршиликларни кўриш, вазиятни таҳлил қилишга диалектик ёндашиш, турли позициялардан кузатиш **каби** алоҳида кўникмалар тўплами сифатида ҳам фойдаланиши мумкин (**Г.Ф.Биктагирова**). Хусусан, бўлажак педагогларда рефлексивликни



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

ривожлантиришда **танқидий тафаккур** ўқув материалларини сифатли ўзлаштиришларига ёрдам беради (**Р.Р.Каунг**).

Рефлексия билан тафаккур боғлиқ бўлса, уни ривожланишида шахсни нейрпедагогик ва гендер хусусиятларини ҳам эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳар бир инсоннинг мияси бетакрор бўлиб, маълумотларни қабул қилиш ҳажми ва ишлаш тезлиги, у ёки бу хотира тизимининг устунлиги ва тафаккур жараёнларининг бориши билан фарқ қилади. Шу сабабли ҳар бир талабанинг таълим олиш, атроф-муҳитни тушуниш ва тафаккур қилиш жараёни ҳам бир биридан фарқ қилади. Таълим жараёнини нейрпедагогик йўналтирилиши талабалар ўқув маълумотларини фақатгина эслаб қолишларини эмас, балки англашлари ва нисбатан қийинчиликларсиз тушуниб ўзлаштиришларини таъминлайди (**Дж.Р.Гулямов и др.**).

Бироқ, **рефлексия ва танқидий тафаккур** бир-биридан фарқ қилади. Рефлексия — шахс ўз тажрибасини таҳлил қилиши, хулоса чиқариши ва келажакда ўзини ривожлантиришига ёрдам берса, танқидий тафаккур маълумот ва ғояларни баҳолаши, далилларни таҳлил қилиши ва мантиқий хулоса чиқаришида ўз аксини топади (**С.Beauchamp**). Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, рефлексияда асосан “Мен ва тажрибам” диққат марказида бўлса, танқидий тафаккурда “маълумот ва далиллар” назарда тутилади. Лекин ҳар иккаласини биргаликда қўлланилиши шахс фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Рефлексия **тафаккур** ва ҳуқ-атвор стратегиясини ўзгартиришнинг universal механизми бўлса-да у нейтрал – ижобий ёки салбий моҳиятга эга эмас. Содир бўладиган ўзгаришларни позитив ёки негатив бўлиши инсоннинг эҳтиёжлари, муносабатлари ва қадриятларига боғлиқ (**Ю.Н.Крайнова**). У тафаккур механизмларидан бири сифатида, таълимий фаолиятда қуйидаги жараёнларни таъминлайди:

- олдиндан белгиланган таълимий вазифалар ва натижаларни англаб етиш;
- бўлажак фаолият учун керак бўладиган вазифаларни эҳтиёжлар билан солиштириш;



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

- ўқув фаолиятини мотивациялаш, ўқув материали элементлари орасидаги мантикий боғланишлар ва мазмунан эслаб қолиш ёрдамида ўқув материални тушуниш ва ўзлаштириш;
- эришилган натижаларни баҳолаш ва тўғрилаш, тузатиш;
- муаммолар натижаларини таҳлил ва умумлаштириш орқали вазифа ва талабларни таққослаш методлари, схемалари орқали ҳал этиш;
- ўқув фаолиятида қайтарма алоқа ёрдамида ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи назорат қилиш рефлексия натижаси бўлиб, таълим олаётганларни ривожлантириш ва ўзгартириш, ўқув фаолияти субъекти сифатида уларни фаоллаштириш каби (**Ш.Донаева**, 369-б).

Рефлексия ўқитувчи томонидан ўзида **касбий компетентликни** шакллантириш ва такомиллаштиришнинг **психологик механизмларини** ўзлаштириш бўлиб, ўзи ва бошқаларнинг касбий фаолиятини таҳлил қилиш қобилиятида намоён бўлади (**В.Н.Анисимова**). **E.Vanassche** рефлексив компетентликнинг нозик жиҳатини кўрсат “бўлажак ўқитувчиларга таълим бериш жараёнида улардан бир вақтнинг ўзида икки нуқтаи назарни ушлаб туриш қобилияти талаб қилинади: синфдаги ўқитувчи нуқтаи назари ва педагог нуқтаи назари”, - деган (**E.Vanassche** 345-бет). Рефлексив компетентлик шахснинг бошқа компетенцияларини онгли равишда самарали ривожланишини таъминловчи куч сифатида намоён бўладиган интегратив сифат бўлиб (**Т.М.Алиева** 53-б.) ўзгаришга тайёрлик, таклифларга очиқлик ва ўзининг кучли ва заиф томонларини тан олишга тайёрлик каби фазилатларни талаб қилади. Чунки жамият доимо ўзгариб бораётганлиги сабабли ўқитувчилар ўзгарувчан шароитлардаги мавжуд педагогик муаммоларни самарали ҳал қилишлари учун рефлексив бўлишлари ҳамда рефлексивлик – умрбод ўрганиш ғояси эканлигини англаган ҳолда самарали таълим – фикр ва фаолият мувозанатини ўз ичига олишини тушунишлари керак (**M.N.Levy** 100-101-бетлар)

Рефлексив компетентлик шахснинг касбий сифати бўлиб, рефлексив жараёнларни энг самарали ва мақбул амалга ошириш ҳамда рефлексив қобилиятни рўёбга чиқариш имконини беради. Бу эса шахснинг ривожланиши ва ўзи-ўзини ривожлантиришини таъминлаш билан бирга, ўз касбий



фаолиятига ижодий ёндашувни шакллантиришига ва юқори натижадорликга эришишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин [С.Ю.Степанов 36-б.].

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони / <https://lex.uz/docs/4545887>
3. Аниськин В.Н. Профессиональная компетентность и профессиональная компетенция преподавателя вуза: проблема разграничения понятий // Известия СНЦ РАН. 2010. Т. 12, № 3 (3) (35). С. 558–563.
4. Бессонова И.Г. Формирование профессиональной педагогической рефлексии у студентов педвуза. Специальность 13.00.08 - теория и методика профессионального образования Автореф... дисс... на соиск... канд... пед... наук. –Сургут, 2007. -20 с.
5. Бехоева А.А. Развитие профессионально-педагогической рефлексии у студентов университета - будущих учителей. Автореф. дисс... кан... пед... наук. –Владикавказ, 2005. -22 с.
6. Бизяева А. А. Психология думающего учителя: педагогическая рефлексия / А. А. Бизяева. – Псков : ПГПИ, 2004. – 216 с.
7. Биктагирова Г. Ф. О необходимости развития педагогической рефлексии будущего педагога- психолога // Вестник ТГГПУ. 2009. № 2-3 (17-18). С. 32-37.
8. Борисова Л.Н. Роль и механизм рефлексии в психолого-педагогической деятельности // Психолог. 2015. №2. С. 118-145. DOI: 10.7256/2409-8701.2015.2.14666
URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=14666



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

9. Гаргай В. Б., Куракбаев К. С. Рефлексивная педагогика как путь становления и развития профессиональной компетентности учителя (по материалам зарубежного опыта) // Сибирский педагогический журнал. 2009. №7. С. 344-358.
10. Девятова И.Е. Технологии развития педагогической рефлексии // Научно-теоретический журнал: Научное обеспечение системы повышения квалификации кадров. Выпуск 4 (33) 2017. –С. 41-49.
11. Девятова И.Е. Технологии развития педагогической рефлексии // Научно-теоретический журнал: Научное обеспечение системы повышения квалификации кадров. Выпуск 4 (33) 2017. –С. 41-49.
12. Дмитриева Т.В. Развитие рефлексии у студентов как педагогическая задача / Вестник Тюменского государственного университета. 2009. № 5. –С. 33-42.
13. Кожевникова М. Н. К пониманию педагогической рефлексии учителя: обоснование гуманитарной модели // Вестник Новосибирского государственного педагогического университета 2017, том 7, № 6. 143-стр. www.vestnik.nspu.ru
14. Крайнова Ю.Н. Саногенная рефлексия в структуре эмоциональной компетентности будущих педагогов. Автореф...дисс...канд...психол...наук. –Москва, 2010. 3-стр.
15. Кушеверская Ю. В. Рефлексивная компетентность как необходимое условие подготовки студентов к профессиональной педагогической деятельности // Известия Российского государственного педагогического университета им. А. И. Герцена. 2007. № 39. Т. 15. С. 310-315.
16. Мухина В.С. Возрастная психология: феноменология, развития, детство отрочество М.: Изд – во Академия 1997.
17. Муштавинская И. В. Использование рефлексивных технологий в развитии способности учащихся к самообразованию как педагогическая проблема [Электронный ресурс] / И. В. Муштавинская // Педагогика: традиции и инновации : материалы Междунар. науч. конф. (г. Челябинск, октябрь 2011 г.). Т. I. – Челябинск : Два комсомольца, 2011. – С. 146–151. <https://moluch.ru/conf/ped/archive/19/1072/>.



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th October, 2025

-
18. Новейший психологический словарь / Под общей ред. В.Б. Шапаря. Изд. 2-е. Ростов-на-Дону: Феникс, 2006. 808 с.
 19. Охунов И.А. Рефлексив ёндашув асосида талабаларнинг виртуал борлиққа маъсулиятли муносабатни ривожлантиришнинг методологик асослари // Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2021 йил №4).213-бет.
 20. Павлюченкова Н.В. Саногенная рефлексия как фактор развития эмоциональной компетентности. Автореф. дисс.... канд...психол... наук. — Москва, 2008. -27 с. (12-стр.)